



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz


2009 йил 2 май, № 88 (4751)

Шанба

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИ

уй-жойларимизнинг янада кўркам, шинам ва мустаҳкам бўлишида муҳим аҳамият касб этади



СУРАТДА: қўшма корхона ишчиси Мурод Зикриёев.

Ж. НОРҚОБИЛОВ олган сурат.

Шу пайтгача Қашқадарёга фақат четдан келтирилган шифер ва ламинатланган пол қопламаси эндиликда вилоятнинг ўзида ишлаб чиқарила бошланди. Бунга Қарши шаҳридаги "Temur-Chin" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси қўл урди.

Корхона маҳсулотлари дастлаб "Ташаббус — 2009" кўрик-танловининг вилоят босқичида намойиш этилди. Кўرғазмага қўйилган қурилиш материаллари ичидан, айниқса, шифер кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди. — Бу шифер мутлақо янги технология бўйича ишлаб чиқарилган, — дея изоҳ берди қўшма корхона

Ислохот

бош директори Аюбхон Раҳмонов. — Офтоб нурига, ёгин-сочинга чидамли, ранги ўзгармайди. Хом ашёси пишқ, ўзи мустаҳкам. Шу жиҳатлари билан бу замонавий томёпқич бизнинг иқлимимизга жуда мос. Ўлчами ҳам аънанавий шифердан катта: бўйи 185, эни 85 сантиметр, таннархи эса турдош қурилиш материалларига нисбатан 20-25 фоиз арзон.

Шифер ишлаб чиқариш технологик линияси Хитойнинг "EAST-ASIA Environmental Mechanical Equipment" компанияси томонидан etkazib берилган. Бир кеча-кундузда 3800 дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозир ҳар дақиқада иккита шифер тайёрланапти. Бир йилда 700 мингдан ортиқ шифер истеъмолчиларга etkazиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар



Нукус шаҳрида Темир йўл транспорти касб-хунар коллежининг барча қўлайликларга эга янги замонавий биноси фойдаланишга топширилди.

Коллежнинг мухташам биноси

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда мутасадди вазирилик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, ўқувчи ва талабалар иштирок этди.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси О. Раматов, темир йўл фахрийси Ж. Сейтуллаев, коллеж талабаси П. Зийнадинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳномалигида таълим соҳасида амалга оширилётган тўб ислохотлар, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўқиш ва меҳнат қилишлари учун уларга кенг имкониятлар яратиш беришга қаратилаётган эътибор, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, тармоқ учун ёш мутахассислар тайёрлаш самардорлигини ошириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида сўз юритдилар.

(Давоми 2-бетда).

Хоразм вилоятинда жорий йилда 59 мингтадан ортиқ иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Иш ўринлари кўпаяди

Шу мақсадда иқтисодий ночор, банкрот деб топилган корхоналарда янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йил бошидан буён банкрот деб эълон қилинган 25 та корхона негизда 34 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилгани, натижада 1080 та қўшимча иш ўрни яратилгани бунинг тасдиғидир.

О. РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

— Тадбиркор ўзи яшаб-ишлаб турган ҳудуднинг барча хайрли ишларига масъул, — дейди Шўрчи туманидаги "Т. Эшимов" фермер хўжалигининг бошлиғи Тўхта Эшимов.

Фермернинг ҳиммати

Иши билан гапи бир фермернинг ҳимматидан Ойнакўл қишлоғи аҳолиси, айниқса, мамнун. Хўжалик 2008 йилги даромади ҳисобидан уч километрлик ички йўллари асфальтлади. Ичимлик суви тўловларининг бир қисmini ўз зиммасига олди ва 22-умумтаълим мактабининг бешта аълочи ўқувчисига стипендия таъсис этди.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Каттакўрғон шаҳридаги "Фиш Шохжаҳон" хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган фишлар ички бозорда ўз харидорларини топмоқда.

Экспортга гил тупроқ

Мутахассислар фишнинг пишиқлик ва чидамлилиқ даражасини унга ишлатиладиган хом ашёда дейишади. Айни пайтда бир кеча-кундузда 45 минг дона фиш тайёрлаётган бу корхонага қарашли конлардан гил тупроқ ташиб келтирилади. Фиш таркибида асосий ўринни эгалловчи оҳак ҳам шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилади.

Фиш учун асосий хом ашё бўлган Каттакўрғон гилига Россия саноат корхоналари томонидан ҳам буюртмалар туша бошлади. Корхона жамоаси яқин орада айнан шу турдаги хом ашёни экспортга чиқаришга ҳозирлик кўрапти.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.


Ширин шаҳридаги Энергетика ва машиқ хизмат касб-хунар коллежида Сирдарё вилотида ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари директорларининг "Таълим муассасаларида тадбиркорликни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар" мавзусида анжумани бўлиб ўтди.

Тадбиркорлик — кони фойда

Унда таълим муассасаларида тадбиркорликни ривожлантириш, чорвачилик ва паррандачилик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ёрдамчи хўжалиқлар, кичик цехлар ташкил қилиш бўйича амалга оширилётган ишлар тахлил қилинди. Машиқ соҳада аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш йўналишида олиб борилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилиниб, тадбиркорликни ривожлантиришда ижобий натижаларга эришаётган коллежлар раҳбарлари ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

О. АШИРҚУЛОВ.

«ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ ЯНГИ СОҲИБЛАРИ



Мамлакатимизда барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тезкор, халис ва ҳаққоний ёритиш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятимизда демократик қадриятларнинг мустаҳкам қарор топишида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш, уларнинг самарали ижод қилиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларига мукофотларни тантанали топшириш маросимида булар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топди. Тадбирда турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

«Олтин қалам» Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов Президентимиз Ислом Каримов раҳномалигида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, эркинлигини таъминлаш, унинг янгилиниш ва ислохотлар жараёнидаги аҳамияти, таъсирини янада кучайтириш, самарали фаолият кўрсатиши учун жаҳон андозалари талаблари даражасидаги шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларини замонавий ахборот-

коммуникация технологиялари билан таъминлаш, интернет тизимидан кенг ва оқилона фойдаланиш учун имкониятлар яратиш, ҳар томонлама кўмак кўрсатиш борасидаги эзгу сазй-ҳаракатлар бунинг ёрқин далилидир. Айни пайтда журналистларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик журналистлардан билдирилган ишончга муносиб бўлиши, масъулиятни астойдил ҳис этиши, жаҳон журналистикасининг илғор иш тажрибасини пухта ўзлаштириши, эл-юрт қувончу ташвишлари билан ҳамнафаслик, давр билан ҳамқадамликни, маънавий уйғоқликни, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги химоячиси сифатида иш кўриши талаб этмоқда.

Тўртинчи марта ўтказилаётган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлови энг фаол, изланувчан, серғайрат, ташаббускор журналистларни аниқлаш, уларни ҳар то-

ИННОВАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Мазкур асарда ва Инкирозга қарши чоралар дастурида миллий иқтисодий инкирознинг, жумладан, унинг реал сектори тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Фанлар академиясида жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида миллий манфаатлар ва инновация лойиҳаларига бағишланган конференцияда шу ҳақда гап борди. Фанлар академияси Иқтисодиёт институти ва Банк-молия академияси томонидан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирилик ҳамда идоралар мутахассислари, илмий тадқиқот институтлари олимлари ва ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш. Солихов, Банк-молия академияси ректори А. Ваҳобов ва бошқалар глобал молиявий инкирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирини юмшатиш ҳамда халқимиз фаровонлигини янада

ошириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ва изчил ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг асарлари ва Инкирозга қарши чоралар дастурида глобал иқтисодий инкирознинг салбий таъсирини оқибатларини юмшатишда инновацион технологиялар, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш самаралари ва ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида тежамкор технологияларни қўллашга оид вазифалар белгилаб берилган. Бу илм-фан муассасалари томонидан ушбу йўналишда олиб борилаётган илмий лойиҳалар қўламини янада кенгайтириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада мустаҳкамлашни тақозо этади.

Бу борада изчил илмий изланишлар олиб бораётган олимларимиз илм-фаннинг барча йўналишларида муайян натижаларга эришмоқдалар. Қўни кеча ўз ишини яқунлаган ва олти юздан ортиқ янги

(Давоми 2-бетда).

Корхона саховати

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ҳудуддаги қишлоқ меҳнатқашларига доимий мадад кўрсатиб келаётганлиги қувонарлиқдир.

Яхши хабар

Жумладан, Томди ва Конимех туманларининг олис овулларидидаги 300 нафар киши корхона цехларига ишга қабул қилинди. Қишлоқ жойларда болалар спортининг равнақи ҳам корхона эътиборида. Овуллардаги мактабларнинг спорт майдончалари корхона цехларида тайёрланган ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, комбинатга қарашли "Дустлик" агрофирмасининг савдо уйи доимий фойдаланиш учун вилоят болалар спортини ривожлантириш жағфармасига берилди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

Хизматлар кўрсатиш ҳажми ошмоқда

2009 йилнинг биринчи чораги давомида мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ҳажми 16,6 фоизга ўсди.

Жойларда аҳоли ва ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмаси субъектларининг кенг тармоғи яратилгани, айниқса, телекоммуникация тизимининг юксак суръатлар билан ривожланиши туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи саноат корхоналари ва хизматлар кўрсатиш соҳасида касаначилик меҳнатини ривожлантириш асосида кооперацияни кенгайтиришга тааллуқли қонун ҳужжатларининг Андижон вилоятидаги ижросини ўрганиб қайтди. Мухбиримиз мазкур қўмита аъзоси Маҳмуд МАҲҲАМОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

КАСАНАЧИЛИК — ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

лик иш ўринларининг 71 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади. Биргина 2008 йил давомида мавжуд имкониятлар қайта ўрганилиб, йил бошида тасдиқланган дастурга нисбатан қўшимча 1500 та касаначилик иш ўринлари яратилиши назарда тутилган. Жумладан, 2008 йил март ойида Марҳамат тумани Қоракўрғон маҳалла фуқаролар йиғинидаги мавжуд меҳнат ресурсларини ҳисобга олиб,

йўл қўйилаётгани аниқланди. Жумладан, Андижон шаҳридаги «Ўзтемир-Йўлмаштаъмир» унитар корхонаси ва «Андижонмаш» ХЖ, Улугнор туманидаги «Улугнор» МТП, Марҳамат туманидаги «Алпомиш мероси» МЧЖ ҳамда Избоскан туманидаги «Пойтуғ пахта тозалаш» ХЖларида касаначилик етарли даражада буюртмалар, ҳам ашё ва материаллар билан таъминланган. Оқибатда, улар ўтган



ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» IV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ГОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

қўшимча 400 та, Хўжабод туманида 350 та касаначилик иш ўринлари яратилган.

Вилоят қорхоналарида касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ҳужалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни шулар жумласида эълон қилди.

Парламент назорати

қилишга эришганлар. Касаначилик иш ўринлари яратилишда ютуқларга эришган соҳалар қаторига, айниқса, автомобилсозлик соҳасини қиритиш мумкин. Мисол учун, «GM Uzbekistan» ЕАЖда 2008 йилда 113 та касаначилик иш ўринлари яратилган бўлса, 2008 йилда уларнинг сони 316 тани, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 1,5 млрд. сўмини, ўртача иш ҳақи эса 84,0 минг сўмини ташкил этди. 2009 йилда ушбу қорхонада касаначилик сонини 366 нафарга етказиш бўйича режалар тузилган.

— Демак, соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижроси кўнгилдагидек, десак бўлаверади... — Тахлиллар жараёнида ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчиликлар мавжудлиги ҳам аниқланди. Масалан, Улугнор ва Олтинқул туманларида касаначилик билан шуғулланишни хоҳловчи фуқароларни ишга жойлаштириш ҳамда уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ишлари талаб даражасида эмас. Бундан ташқари, айрим қорхоналарда иш бевуқчилиги иш ўринларини яратилишда сусткашликка

Зеро, Андижон вилояти касаначилигини турли шакллари жорий этиш, иш ўринларини кенгайтириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишда катта салоҳият ва имкониятларга эгадир.

Зиёда АШУРОВА суҳбатлашди.

СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИ

уй-жойларимизнинг янада кўркам, шинам ва мустаҳкам бўлишида муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шифер ишлаб чиқариш линиясини эксплуатация қилишда қорхона ишчиларига хитойлик мутахассислар ёрдам беришяпти. Маҳаллий ёшлар улардан касб сирларини ўрганишмоқда. Яқин орада улар ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришни тўлиқ ўз қўлига олишди. Ламинат ишлаб чиқариш ҳам шундай бошланган эди. Бугунги кунда маҳаллий ёшлардан моҳир мутахассислар етишиб чиқди. Чет эллик усталар ёрдамига эҳтиёж қолмади. Ҳар ойда 15 минг квадрат метргача ламинат тайёрланади. Маҳсулотнинг тури ҳам кўпайди. Харидорларга 8-12 миллиметр қалиنликдаги 40 турдаги ламинат таклиф қилиняпти.

Корхона фаолиятининг энг муҳим жиҳати шундаки, ишлаб чиқариш тебора ривожланаёпти. Натияжада қисқа вақт ичида 70 та иш ўрни яратилди. Қурилиш материаллари бозорига арзон, сифатли, рақобатбардosh шифер ва ламинат олиб кирилади. Бутун дунёда миллионлаб иқтисодий инкироз авж олиб бораётган бир пайтда бизда қурилиш материаллари, айниқса, «Temp-Chip» қўшма қорхонаси маҳсулотларига талаб ошмоқда. Унинг ранг-баранг шифер ва ламинатлари юрдошларимизнинг замонавий, кўркам ва муқтадир уй-жой, маданий-маиший иншоотларини беэамоқда.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



КОЛЛЕЖНИНГ МУҲТАШАМ БИНОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Коллеж биносини бунёд этишда Тошкент 1-электроэлектротехника техникумининг ҳиссаси катта бўлди. 210 укўвчига мўлжалланган билим даргоҳининг уч қаватли укўв биноси, фан кабинетлари ва лабораториялари, 200 укўвчига мўлжалланган ётоқхона, спорт зали, ахборот-ресурс маркази, 200 ўринли ошхона замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.

— Бу ерда укўвчилар ва ўқитувчилар учун барча қулайликлар яратилган, — дейди кол-

леж директори Озод Матиков. — Шунингдек, ешларимиз олган назарий билимининг амалиётда мустаҳкамлаш учун ҳам зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Энг сўнгги русумдаги компьютер техникалари билан таъминланган укўв хоналари ва амалий машғулотлар ўтказиладиган укўв лабораториялари ешларимиз ихтиёрида.

Коллеж биносининг очилишида Қоракўрғон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ераниязов сўзга чиқди.

А. ОРТИҚБОВ, ЎЗА мухбири.

Шербод Сурхондарё вилоятининг салоҳияти юқори туманларида. Иқтисодий ислохотлар жараёни ўтган йили туманда ёмон кечмади: саноат маҳсулотлари ҳажми 23,8 фоизга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 42,3 фоизга ўсди.

— Бу ютуқларда, табиийки, халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссияларининг ҳам ўз ўрни-улуши бор, — дейди туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Абдуҳаким Жўраев.

ларда 19 мингдан зиёд аҳоли яшаيدди. Ҳўжалигининг ички йўлларини обод: асфальтланган, шалар ётқизилган. Бироқ Майдон ва Пошхурт сойлари сувини кечиб ўтиш азалдан йўл-транспорт харақати хавфсизлигига ташвиш тугдириб келаётган эди. Кенгашнинг шу ҳудуд инфрату-

Маҳаллий кенгашларда

бул нусхалари устида маслаҳатлашди. Лойиҳа молиялашганидан сўнг пудрат ишини йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш қорхонасининг ўзи зиммасига олди. Ва кўпдан кутилган иншоот вақтида, сифатли қўлиб битказиб, тоғлиқларни хурсанд қилди. — Пошхурт қишлоғини кесиб ўтган сойда кўприк қурилиши да-

вом этапти. Бу ишда ҳам доимий комиссиянинг ҳиссаси бор, — дейди «Уч ёғор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нарзулла Файзуллаев. — Маҳаллаимизда комиссия аъзолари билан урчушулар ўтказамиз. Шундай суҳбатларнинг бирида қишлоқда тадбиркорлик асосида кичик техно-

логиялар ўрнатиш хусусида гап очилди. Бугун мана, Бекмирза Тошпулатов деган маҳалладошимиз кўп тармоқли ишлаб чиқариш қорхонасини очди. Бу ерда асосан, уни, қандолат маҳсулотлари, макрон ишлаб чиқариладияпти. Чорва маҳсулотлари қайта ишланаёпти. Қишлоқ қизларидан 15 нафарини олиб олиб, уларни касб-хўнари қилди. Айни пайтда ишлаб чиқаришга боғлиқ яна иккита ана шундай лойиҳа юзасидан депутатларимиз билан фикрлашиб турибмиз.

Кенгашнинг қўнунийлик, ҳуқуқ-тартиб ва фуқаролар хавфсиз-

лигини таъминлаш масалалари доимий комиссия фаолиятида ҳам ана шундай изчиллик ва изланивчанликни кўриш мумкин. Комиссия раиси Панжи Сайидкулов Кенгашнинг яна бир анжуманида Президентимизнинг «Иқтисодий-реал сектори қорхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг

сид»ги Фармони ижросининг бугунги кундаги аҳамиятига эътибор қаратди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан маҳаллий саноат қорхоналари ишидаги мувофиқлаштириладиган жиҳатлар кўриб чиқилди. Бу эса қишлоқ жойларига минитехнологияларни қўйиштириш имкониятини ошириши, шубҳасиз, Зеро, бозор тамойилларини такомиллаштириш деҳқон ҳўжалиқлари манфаатларини химоя қилишнинг бош омили ҳисобланади. Шу билан бирга, иш бевуқчилигини ўз масъулияти ва мажбуриятларига қўнуний ёндашуларини жойларда барқарор иш ўринларини яратишга кафолатдир.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИННОВАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лойиҳа ва ишланмалар тақдим этилган II Республика инновация голяри, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркасида бу ўзининг яна бир ифодасини тоғди. Унда саноат, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот технологиялари сингари устувор тармоқларни ривожлантиришга хизмат қиладиган 13 миллиард сўмликдан кўпроқ 300 шартнома ҳамда ахдлашуво протоколлари имзоланди.

Конференцияда миллий иқтисодиёт ривожланишининг инновация салоҳияти, электросанергетика модернизациялаш, энергияни тежаш тизимларини жорий этиш, Инкирозга қарши чоралар дастурини амалиётга таъбиқ этишда илм-фаннинг ўрни, бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

1-ўрин: Мақсуд Жонионов — «Халқ сўзи» газетасининг бўлими мудири. Ватан тўғриси, миллий мерос ва миллий кадриятлар мавзуларидаги мақолалари учун.

2-ўрин: «Белла Терра» ва «Жаннатнома» журналлари таҳририяти — бош муҳаррирлари Мадина Мўминова ва Ирода Дадажонова. Маънавий-маърифий ва ижтимоий-илмий мавзуларидаги мақолалари учун.

3-ўрин. Лукмон Бўриев — «Ешлик» журнали бош муҳаррири ўринбосари. Миллий кадриятлар, анъаналар ва урф-одатлар ҳақидаги материаллари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика): 1-ўрин: Ралиф Нигматуллин — «uz.Report» сайтининг директори — бош муҳаррири. Ҳуқуқшуносликнинг долзарб масалаларини ёритган материаллари учун.

2-ўрин: Гулбахор Тангирова — «Заря Сурхана» ва «Народное слово» газеталарининг муҳбири (Сурхондарё вилояти). Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни кенг ёритган материаллари учун.

3-ўрин. Халим Саидов — «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири. «Матбуот — миллий манфаатлар ҳимоячиси» руқнидаги материаллари учун.

4-ўрин. Рагбатлатирувчи мукофотлар бўйича Журналистика ривожига кўшган ҳиссаси учун Озод Шарофидинов — Ўзбекистон Қаҳрамони (марҳум)

5-ўрин. Фаол фуқаролик позицияси учун Раҳим Мақсудов — «Кизилтепа тонги» туман газетаси муҳаррири (Навоий вилояти)

6-ўрин. Ижтимоий-сиёсий мавзудagi энг яхши тахлийли материал учун Собир Дадажўраев — «Водил ёғдуси» туман газетаси муҳаррири (Фарғона вилояти)

7-ўрин. Ижтимоий-иқтисодий мавзудagi энг яхши тахлийли материал учун Мнажатдин Кутлимуратов — «Хохайли ҳақиқати» туман газетаси муҳаррири (Қоракўрғон вилояти)

8-ўрин. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланган энг яхши материал учун Моҳиниса Камолова — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоанали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

9-ўрин. Маънавий-маърифий мавзудagi энг яхши материал учун Урол Ҳаев — Ўзбекистон Миллий телерадиоком-

панияси телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси

Харбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун Инобат Ибрагимов — «Ватанпарвар» газетаси бўлими муҳаррири

Энг яхши журналистик текширув учун Примкул Дўстмаматов — «Ишон»-«Доверие» газеталарининг ўз муҳбири (Сирдарё вилояти)

Мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун Муродулла Абдуллаев — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари

Энг яхши режиссерлик иши учун Андрей Афин — «Ўзбек-телефильм» студияси режиссёри.

Энг яхши матбуот хизмати Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати — раҳбари Светлана Ортиқова

Энг яхши фоторепортаж учун Бурхон Ризокулов — «Маърифат» газетаси фото-муҳбири

Энг яхши карикатура учун Абдурашул Ҳакимов — жамоатчи муҳбир (марҳум)

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материал учун Муҳаммад Аббас Хан — журналист (Покистон)

Халқаро ташкилотларнинг рағбатлатирувчи мукофотлари: БМТ

Минг йиллик тараққиёт мақсадлари мавзусини ёритгани учун: Гулруҳ Мўминова — «Зарафшон» газетаси муҳбири (Самарқанд вилояти)

ЮНЕСКО Маданият, фан ва таълим мавзуларини ёритгани учун Хилола Болтаева — «Ешлар» радиоканали бошловчиси

ЖАҲОН БАНКИ Қишлоқ ҳаётининг барча жиҳатларини муқаммал ёритгани учун «Фермер-пресс» газетаси таҳририяти — бош муҳаррир Башорат Имомова

ҚУТЛАЙМИЗ!

Мукофотланганлар орасида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг хидматлари Мақсуд Жонионов ҳамда Гулбахор Тангирова ҳам бор. Ҳамкасбаримизнинг голиб бўлаётганлари билан самимий муборакбод этамиз.

9 МАЙ — Хотира ва қадрлаш кунли

— Уруш тугади, уруш тугади... Оқсоқ-лашиб юрадиган почтачининг бу хушxabарини эшитиб, ариқ бўйида ўтириб қолибман, — деб эсларди Жангил момо. — Йиғлайвердим, йиғлайвердим. Ўз-ўзимча хотирладим, ўз-ўзимча сўзладим. Кўз ўнгимдан қарчигайдай акам, рўзгоримнинг беги, эндигина мўйлаби сабза урган укамни кунчи-кар томон олиб кетган арава сира кетмасди.

МЕҲР-МУҲАББАТ ТАФТИ

Араванинг изларини кадди ерга буюлиб қолган онагинан озмунча кўриқладими? Кўриқлай-кўриқлай, зор кута-кута, кўзлари очик кетди бу ёруғ оламдан. Онамини кабрга кўйгач, хайхотдек ҳовлида чуғурчўқларим билан дилдираб қолдим. Тунда уйку йўқ, кунда тимим. Қозоним уч кунда бир қайнар, ё қайнамасди. Бор аламимни меҳнатдан олдим. Кўп ўтмай доимо қовоғи солиқ юрадиган почтани ҳам бир гал дарвозанинг тирқишидан, янаги сафар кўлтитаёғига сунганча бармоқлари қалтирай-қалтирай “қора хат” ташлаб кетди. Нола-ларимдан еру осмон қорайиб кетгандай бўлди. Ўттизга ётмайин сочларимга кирвон кўнди. Уруш менинг аёлигимни унуттирди. Ҳар ҳондонда бир қайғу. Ҳар юракда бир доғ, бир алам... Эҳ-хех, ўша аянчли замоналар заҳматини бугуннинг ёшлари қаёқдан билишсин? Етказганига шуқр. Дориламон дамларга ётдик. Бу кунларни асраш керак, болам, кўзларга суртиб асраш керак!

Жангил момо урушни ҳам, очарчилик азобларини ҳам, турли ноҳақликлар авежга минган давларини ҳам кўрди. Истиклолга етгач, билдики, англадики, осейишталик, хотиржамликдан буюкроқ, кадр-лироқ бахт, неъмат йўқ экан. Боз, фарзандларинг, авлодларингни истикболда янада ёруғ кунлар пеш-воз олишини ўйласанг, бу дунёда яшаб армонинг қолмаганидан хотиржам

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Эроннинг Исфохон шаҳрида футбол (мини футбол) бўйича клублар ўртасидаги биринчи Осие чемпионати баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Унга қўра, қўртанинг футбол ривожланган 10 та давлати чемпионлари икки гуруҳга бўлиниши. Маълумки, нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини Зарафшоннинг “Строитель” жамоаси ҳимоя қилади. Александр Хандохиш шогирдлари “А” гуруҳида “Фуллад Мохан” (Эрон), “Нагоя Оушенс” (Япония), “АУБ Олтин-Тош” (Қирғизистон) ва “Наврўз” (Ироқ) жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш учун кун синашади дегилди.

“В” гуруҳида “Порт Авторити” (Таиланд), “Ухань Дилон” (Хитой), “Жанубий янги Уэльс” (Австралия), “Про’с Кафе” (Ливан), “Ал-Саад” (Қатар) жамоалари жой олган.

Жамоалар бир даврали ўйинларда иштирок этишади. Ҳар бир гуруҳдан иккитадан кучли жамоа ярим финалга йўлланма олади.

Осие чемпионатининг финал қисмига шу йилнинг 4-12 июль кунлари Эрон давлати мезбонлик қилади.

МИЛЛИЙ СПОРТИМИЗНИНГ ЯНГИ ТУРИ

Доимо фахрлиб юрадиган, дунё тан олган урф-одатларимиз, қадриятларимиз кўп. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида халқаро спорт тури сифатида эътироф этилган кураш бугунги кунда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида ривожланмоқда. Шунингдек, белбоғли кураш ва “Турон” яккураши сингари миллий қадриятларимиз ҳам халқаро спорт тури сифатида эътироф этилган.

Кўни кеча улар сафига ўзбек жанг санъати спортчи ҳам қўшилди. Шу муносабат билан Республика Шарқ яккурашлари ва жанг санъати марказида ўзбек жанг санъати федерациясининг тақдирот маросими ўтказилди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда жанг санъати узок тарихга эга. Маълумотларга қараганда, сохибқирон Амир Темур ва Жалолиддин Манғубердиннинг энгилмас аскарлари жангга тайёрланишида махсус усуллардан фойдаланишган.

Ўзбекистон тазквондо (ИТФ) миллий ассоциацияси президенти, VII Дан қўра белбоғ сохиби Пўлат Усмонов бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар бир неча йил мобайнида аждодлар меросини ўрганиб, ўзбек жанг санъати спортни қанда ҳам усулларини яратишга муваффақ бўлишди. Шуниси диққатга сазоворки, техник усуллар комплекс машқларини номлашда улуг саркардаларимизнинг номларидан фойдаланилди.


— Ўзбек жанг санъатининг техник усуллари сони уч мингдан ошди, — дейди Пўлат Усмонов. — Бу спорт турининг узига ҳос жиҳатларидан бири шундаки, унда ҳужум ва ҳимоя бир вақтнинг ўзида қўлланилади. Бошқа яккураш спорт турлари (каратэ, таэквондо, ушу ва ҳокзю)га ўхшаб қолмаслиги, улардан ажралиб туришига алоҳида эътибор қаратдик. Бунинг учун фақат ўзимизнинг миллий спорт тури — курашнинг айрим жиҳатларидан фойдаланилди. Бизга бу борада Республика Шарқ яккурашлари ва жанг санъати маркази ҳамда “Алфа-sport” жамғармаси яқиндан ёрдам берди.

Ўзбек жанг санъати бешта йўналишдан иборат. Хошловчилар улардан ўзларига маъқули билан шуғулланишлари мумкин.

Янги спорт турини ривожлантириш мақсадида махсус услубий қўлланма яратилди. Семинарлар ташкил этилиб, 200 нафарга яқин мураббий тайёрланди. Ҳозирда мамлакатимизнинг 10 та вилоятидаги бўлимларда 5 минг нафардан ортиқ йигит-қиз мазкур спорт тури билан шуғулланмоқда.

Яна бир гап. Кўшни давлатларда бошқа спорт турлари бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда ўзбек жанг санъатидан ҳам кўргазмали чиқишлар намойиш этилган. Эътиборлиси, у мухлислар томонидан илиқ кутиб олинди. Натيجида Россия, Украина, Қозғистон ва Қирғизистондаги спорт мутахассислари ўзбек жанг санъатини ўзларида ривожлантиришга кизиқиш билдиришди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Ўзбек жанг санъати бўйича биринчи Ўзбекистон чемпионати жорий йилнинг 15-16 май кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтади.



Завдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбек Миллий академик драма театри ижодий жамоаси бир ҳафта давомида Қашқадарё вилояти-да ижодий сафарда бўлди.

«ТОРТАДУРМАН ЖАБРИНИ»

Тошошнинг бугунги куннинг долзарб мавзуси — одам савдосига бағишланган «Тортадурман жабрини» спектакли намойиш этилди.

Гастроль кунларида Муллаутичи Тошмуҳамедов номли вилоят музыкали драма театри маҳалла фаоллари, халқ таълими ходимлари, вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, талабалар билан гап-гап бўлди. Дилбар Махмудова ва

Тилаб Махмудов қаламига мансуб бу сахна асари барчаннинг қалбини ҳаяжонга солди.

Ҳар бир спектакль олдидан театр жамоасининг ижодий режалари ҳақида қизгин мулоқот бўлди. Машҳур актёрларнинг чиқишлари театр санъати мухлисларида катта таассурот қолдирди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО

(2 май)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қиска муддатли ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 8-13 даража иллик, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Наманган вилоятлари. Ёмғир ёғиши қутилмоқда. Кечаси 8-13 даража иллик, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 8-13 даража иллик, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 8-13 даража иллик, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши қутилмоқда. Кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Қиска муддатли ёмғир ёғади. Тунда 8-13 даража иллик, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 10-12, кундузи 24-26 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

СОҒЛОМ ҲАЁТ — ТУРМУШ ЗАВҚИ

...Бўлгуси келин-куёв тўйдан аввалги тиббий кўриқдан ўтиши. Ҳаммаси кўнгилдагидек деб туришган пайтда шифокор куёв бўлиши Махмуджон билан ёлғиз гаплаган ошли шийтада эканлигини айтиди. Холи қолишгач, унга ОИТС касаллиги учун қайта текширувдан ўтиши зарурлигини айтиди. Сўнграқ йигитнинг ОИТС касаллиги вирусини юқтирилгани маълум бўлди.

гиздан қайлигингиз бохбар бўлиши шарт. Ушанда ҳам сизга турмушга чиқишга рози бўлса, унга уйланишингиз мумкин. Чунки кўнунга кўра, ўзининг хасталигини била туриб, иккинчи шахсга уни юқтириш жиноят ҳисобланади. Қолаверса, бу неҳкоҳдан соғлом бола дунёга келмаслиги аниқ.

Махмуджон саёқ юрдиб, турзати бўлмас хатога йўл қўйганини англади. Гўлдек умрини ўз қўли билан хазон қилган бу йигитнинг тақдирини аянчли, албатта. Бироқ, энди кеч, пушаймон афсуснадоматдан фойда йўқ.

— Фаолятимиз асосида ана шундай фожиали тақдирларга ҳам, афсуски, дуч келамиз, — дейди ОИТСга қарши кураш бўйича марказнинг Бухоро бўлими шифокори Нилуфар Идрисова. — Ушбу хавфли касаллик тарқалишининг олдини олишга ҳаракат қилаемиз. Бунинг учун марказимизда барча шарт-шароит яратилган. Учта

— Доктор, мени ҳеч нарса безовта қилаётгани йўқ, — деди Махмуджон хайрон бўлиб. — Бу англашилмовчилик бўлса керак.

— Сиз ОИВ, яъни одам имунитети танқислиги вирусини зарарлангансиз, — тушунтирди шифокор вазиблик билан. — Бу вирус инсон организмнинг имун тизими, яъни химия қатламидан ишдан чиқаради. Оқибатда вужудингиз микробларга бардос бериш ҳусусиятини йўқотадиган, яъни ҳеч бир касалликдан ҳимоялана олмай қолади. Шу тарихка касаллик белгилари намойён бўлади.

Сезиб турибман, бу касаллик менга қандай юқиб қолди, деган савол сизни қийнаётди. У жинсий алоқа ҳамда қон томири орқали юқади. Қон орқали касаллик юқтириш, қўлингиз, бир игнадан гиёҳванд модда қабул қилувчиларда учрайди.

Боши қотган Махмуджон гиёҳванд эмаллигини қайта-қайта таққорлади. Аммо улфатлари билан тонгтар базмларда машаққат қилиши, бундай “кўнгилочар” йиғинларда нотаниш аёллар ҳам қатнашганига ва улар билан яқин муносабат ўрнатган пайтлари кўп бўлганини инкор этолмасди.

— Доктор, балки бу ҳақда бошқаларга айтиш шарт эмасдир, — деди Махмуджон дабдурустдан.

— Бу мумкин эмас, — деди шифокор. — Сиз ОИТС вирусини юқтириб олганин-

Тиббиёт

ҚВПга «Дамас» ҳадея этилди

Фалларолдаги 6200 нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатадиган Маржонбулоқ ҚВПга Навойи кон-металлургия қўшма корхонаси томонидан янги автомашини — “Дамас” совға қилинди.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган ҚВП шаҳарча аҳлига малакали хизмат кўрсатмоқда.

Б. САПОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

бой назарий билимлар билан бирга, хорижий тилларни биладиган, замонавий инновацион ахборот технологиялари билан яқиндан таниш, ҳар жиҳатдан рақобатбардош ва замон талабларига жавоб беришчи 2008-2009 ўқув йили битирувчи бакалавр ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлаш бошланганини маълум қилади. Ёш, илми ва ишчан бакалавр ҳамда магистрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган қорхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан 2009 йил 20 майгача университет ректоратига мурожаат этишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реквизитлари (почта манзили, телефон) ҳамда тақлиф этилаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Сизнинг эътиборингизга йўналишлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз. Битирувчилар тўғрисида батафсил маълумот билан университет веб-сайти (<http://www.tiu.uz>) «Бизнинг битирувчилар» бўлимида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел./факс: 244-94-59, маркетинг хизмати бўлими.
Манзилимиз. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 11-уй.

2008-2009 ўқув йилида битирувчи бакалаврлар тўғрисида маълумот

Т/р	Бакалавр йўналишларининг номи	Битирувчиларнинг умумий сон	Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот														
			Вилоятлар бўйича битирувчиларнинг сон	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Қашқадарё вилояти	Тошкент шаҳри
1.	Диншунослик	32	17	1	2	5	1	3	1	2	2	2	15				
2.	Юриспруденция (ислом ҳуқуқи)	42	26	6	2	6	1	6	1	4	1	2	16				
3.	Халқаро иқтисодий муносабатлар	31	30	4	1	3	1	13		3	4	4	1				
4.	Информатика ахборот технологиялари	12	12	5		1				1	1	3	1				

2008-2009 ўқув йилида битирувчи магистрлар тўғрисида маълумот

Т/р	Магистратура мутахассисларининг номи	Битирувчиларнинг умумий сон	Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот														
			Вилоятлар бўйича битирувчиларнинг сон	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Қашқадарё вилояти	Тошкент шаҳри
1.	Диншунослик	6	3										3				
2.	Исломшунослик	6	3	1				1					3				
3.	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти	9	3	2								2	1				6
4.	Ислом ҳуқуқи	8	1	1									7				

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси таниқли адабиётшунос олим, XX аср адабиёти бўлими стачки илмий ходими, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

Ниль Васильевна ВЛАДИМИРОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оиласига чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар селиқим мустақамлиги институти жамоаси катта илмий ходим Абдурахим Йўлдошевга отаси

Темирбай Йўлдошевнинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси молия инжиниринги ва бозорлар кафедраси доценти Фотиҳ Одиллова падари бузруквори

ТУЙҒУН отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

“Ўзбекэнерго” ДАК “Энергосетиш” филиали жамоаси меҳнат фахрийси Тўлқун Тошўлатовга турмуш ўртоғи

Саъдигул ҲАКИМЖОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси собиқ бош ҳисоби

Римма Рафиқовна БАХТИЗОИНАнинг вафоти муносабати билан унинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур тазия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рухсатқа олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз ёғици А-2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-22-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

T-Тижорат материал

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Тошхирлиди — 23.35

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ТСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орплов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳах — Ҳ. Тошқужаев.